

**Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят  
ахборот-кутубхона маркази  
Ўлкашунослик сектори**



**Данғара туманини ташкил  
топганлигининг 80 йиллигига  
Тавсиявий рўйхат**

**Фарғона–2019**

## ДАНҒАРА ТУМАНИ

**Данғара тумани Фарғона вилоятидаги туман.** У 1939 йил 10 февралда ташкил этилган. (1962 йил 24 декабрда Поп тумани билан бирлаштирилган. 1970 йил 7 декабрда қайта тузилган). Данғара тумани вилоятнинг Бувайда, Учкўприк, Ўзбекистан, Фурқат туманлари, Қўқон шаҳри, Наманган вилоятининг Поп тумани, Тожикистон Республикасининг Ашт тумани билан чегарадош. Майдони 044 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 144,7 минг кишидан ортиқ. Данғара туманида 1 шаҳарча (Данғара), 8 қишлоқ фуқаролар йиғини (Мулқобод, Найманча, Оқжар, Санам, Тайпок, Чинобод, Қияли, Ғалаба) бор. Маркази - Данғара шаҳарчаси. Шаҳарча мақоми 1979 йилда берилган. Данғара тумани 1939-1990 йилларда Фрунзе номи билан аталган.

**Табиати.** Данғара тумани рельефи асосан текисликдан иборат. Унинг жанубий-ғарбий қисми Сўх ёйилмасининг шимолий-ғарбий чеккасида, шимолий-ғарбий қисми эса Сирдарёнинг биринчи ва иккинчи терассаларида жойлашган. Туманнинг шимолий-ғарбида барханлар, дўнг қумлар бор. Иқлими континентал. Ёзи иссиқ, қиши бирмунча юмшоқ. Июлнинг ўртача температураси 36,8°, январники-2,2°. Вегетация даври 220 кун. Йилига ўртача 110 мм ёғин тушади. Баҳор ва кузда кучли «Қўқон шамоли» эсади. Данғара туманида Найман-сой, Оқтепасой, Урганжи ариқлари бор. Туман худудидан Сирдарё оқиб ўтади. Сирдарё суви Абдусамат ва Олахамак насос станциялари орқали чиқарилади. Артезиан ва дренаж қудуқлари ёрдамида ер ости сувларидан ҳам фойдаланилади. Тупроқлари асосан суғориладиган ўтлоқ, қумли ўтлоқ ва шўрхоқлардан иборат. Ёввойи ўсимликлардан қумликларда саксовул, қандим, юлғин, пастқамликларда янтоқ, шувоқ, оқбош, шўрхоқларда қорабароқ, баликкўз, тўрғайўт, Сирдарё сохилларида туранғил, тол, чинғил, ва бошқалар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, тулки, бўри, тўқай мушуги, кемирувчилар, қушлардан хинд майнаси, турғай, ўрдак, қашқалдоқ, қирғовуллар кўплиги бўйича туманга водийда тенг келадиган худуд топилмайди.

**Аҳолиси,** асосан ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва бошқа миллат вакилларидан иборат. 1 км<sup>2</sup> га ўртача 272 киши тўғри келади. Аҳолининг 90 % дан кўпроғи қишлоқларда истиқомат қилади.

**Хўжалиги,** асосан пахта, дон етиштиришга ихтисослашган. ўрмончилик, пиллачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ривожланган. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, шахсий хўжаликларда 13 минг қорамол, 16 минг қўй-эчки, 15 минг парранда боқилади. 6 та саноат корхонаси, 10 та

курилиш-таъмирлаш ташкилоти, 2 та автокорхона, 9 та савдо ва тайёрлов шохобчаси, бўрдоқичилик базалари, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари мавжуд.

Тумандан Тошкент-Ўш-Қашқар, Қўқон-Хўжанд, Қўқон-Наманган, Қўқон-Жамошуй автомобиль йўллари ўтган. 41 та умумий таълим мактаби, 6 та коллеж, 6 та маданият саройи, 53 та кутубхона, 25 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 4 та касалхона мавжуд.

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказининг Ўлкашунослик сектори Данғара туманининг 85 йиллигига бағишлаб “Тилсимотла Данғара” номли аннотацияланган тавсиявий рўйхат тузди. Мазкур рўйхатга Фарғона вилоят ахборот-кутубхона маркази фондида сақланаётган адабиётлар киритилган бўлиб, улар хронологик тартибда жойлаштирилган.

**Dang`ara tuman hokimligining rasmiy veb sayti [www.dangara.uz](http://www.dangara.uz)**

**Dang`ara tuman hokimligi manzili: Farg'ona viloyati, Dang`ara shaharchasi Toshkent ko`chasi 69 uy.**

**150500 Ishonch telefoni: 0 (373) 572-12-32**

**Elektron pochta: [info@danagra.uz](mailto:info@danagra.uz) E-xat pochta: [dangara.t@exat.uz](mailto:dangara.t@exat.uz)**

#### **Данғара тумани ҳақида чоп этилган китоблар.**

1. Данғара // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 3. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 194-195.
2. Хўжаев, М. Тилсимотли Данғара: Данғара тумани тарихидан лавҳалар. Мақолалар, хикоялар, шеърлар / М. Хужаев. – Фарғона–2013. 256.б.

Мустақиллик шарофати билан юртимиз тарихини ўрганишга кизиқиш кучайди. Уни ҳаққоний ёритишга алоҳида эътибор берилди бошлади. Мазкур рисола ҳам айна шундай изланишларнинг махсули бўлиб, унда Данғара туманининг узоқ ва яқин ўтмиши ҳақида сўз боради. Тажрибали муаллиф тарихий фактларга асосланган воқеалар ҳамда халқ ичида кенг тарқалган ривоятларни ўзига хос усулда, ўқимишли тарзда баён этишга муваффақ бўлган.

#### **Матбуот нашрларида Данғара тумани ҳақида**

##### **чоп этилган мақолалар**

1. **Оқжарий, М.** Азиз маконим Данғарам/ М.Оқжарий // **Dang`ara. - 2019. –N 5. – 3 С.**

Мазкур мақолада Данғара тумани ташкил этилганининг 80 йиллигига бағишланган тантана ва данғара халқи босиб ўтган машаққатли ва шарафли йўлга бир назар ташланган.

- 2. Темирова О.** Данғарада обод зиё маскани/ О. Темирова // **Маънавият. - 2017. –N 2. - С. 3**

Данғара туманининг Боғиш қишлоғида Данғара агросаноат коллежи жойлашган Ушбу мақолада коллежда олиб борилаётган ишлар ва ютуқлар хақида сўз юритилган.

- 3. Солижонв М.** "Юртим келажаги - менинг келажагим"/ М. Солижонов // **Фарғона хақиқати. - 2016. –N 92. - С. 1**

Мазкур мақолада Данғара туманида "Юртим келажаги - менинг келажагим" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилганлиги ёритилган.

- 4. Исомов Б.** Гавхар диёрнинг олмас дарвозаси / Б. Исомов // **Фарғона хақиқати. - 2016. –N 61. - С. 1-2**

Ушбу мақолада Данғара тумани Фарғона вилоятининг иқтисодий кўрсаткичлари тобора юксалаётган туманларидан бири эканлиги хақида ёритилган.

- 5. Кўчаларга янги номлар // Dang'ara. - 2011. –N 21. - С. 2**

Ушбу мақолада Данғара туманидаги кўчаларнинг янги номлари берилган.

- 6. Қодиров А.** Данғара балиқчилигига нима бўлди?/ А. Қодиров // **Фарғона хақиқати. - 2010. –N 48. - С. 1**

1967 йилда Данғарада балиқчилик йуналишидаги Урай деб номланган жамоа юзага келди. Урай МЧЖни қайта оёкка тургизиш довругини тиклаш мумкинми? Ушбу мақолада балиқчилик ривожини хақида сўз юритилган.

- 7. Каримов Э.** Данғара консервалари экспортга / Э. Каримов // **Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - 2010. -N1. - С. 8**

Мазкур мақолада Данғара туманида фаолият кўрсатаётган “МММІ Интернационал” Масуляти чекланган жамиятга қарашли консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “AGROGOODS Ltd” компанияси маҳсулотлари бугун нафақат Фарғоналиклар, балки мамлакатимиз ахлига, қолаверса хорижлик харидорларга манзур бўлаётганлиги хақида ёритилган.

- 8. Сулаймонов М.** Олтин водий дарвозаси/ М. Сулаймонов // **Фарғона хақиқати. - 2009. -N64. - С. 4**

Ушбу мақолада Данғара туманида олиб борилаётган ишлар ва ютуқлар хақида сўз юритилган.